



**ЭЛБЕК**  
**ТАНЛАНГАН АСАРЛАР**



**МАҚОЛАЛАР, ЛУҒАТЛАР, ДАРСЛИКЛАР**

Истиқлол қахрамонлари

ЭЛБЕК

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

МАҚОЛАЛАР, ЛУҒАТЛАР, ДАРСЛИКЛАР

“Nodirabegim” нашриёти  
Тошкент – 2021

КБК: 83.3(5Ў)

Б 79

УЎК: 821.512.133-84

ISBN 978-9943-7804-9-1

Бобомуродова Шоира

Элбек [Матн] : танланган асарлар / Ш. Бобомуродова. —  
Тошкент: Nodirabegin, 2021. — 296 б.

Тахрир хайъати:

Султон Нормаматов, Тўлқин Тоғаев, Жўра Худойбердиев.

Мажмуада Элбекнинг 20-40-йилларгача матбуотда chop  
этилган тилшуносликка оид мақолалари, дарсликлари, лугатлари  
тўпланиб, араб графикасидаги (1919-1926-йиллар) ҳамда лотин  
ёзувидаги (1926-1938-йиллар) ўзбек ёзувидан кирилл-ўзбек  
алифбосига ўтирилган ҳолда берилди.

Китоб ўзбек тилшунослиги тарихи билан шуғулланувчи  
мутахассис-тадқиқотчилар, шунингдек, ўқитувчилар,  
бакалаврият ва магистратура талабаларига Элбекнинг  
тилшуносликка оид асарларидан фойдаланишлари учун  
мўлжалланган.

Нашрга тайёрловчи,

сўзбоши ва изоҳлар муаллифи:

филология фанлари номзоди Шоира Бобомуродова

Маъсул муҳаррир:

Филология фанлари номзоди, доцент

Тўлқин Тоғаев

© Бобомуродова Ш.

© “Nodirabegin” нашриёти, 2021.

## ЭЛБЕКНИНГ ХАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Машрик Юнус ўғли Элбек 1898-йил Тошкент вилоятининг  
Ўстотлик туманидаги Хумсон қишлоғида туғилиб ўсди. Ўша  
ерда эски мактабда сабоқ олиб (1905-1909 йиллар), маълум вақт  
деҳқончилик ишлари билан машғул бўлгач, 1911 йил онндаги  
иктисодий қийинчиликлар туфайли Тошкент шаҳрига келиб, кун  
кечира бошлади. А.Авлоний, Мунаввар Қори каби  
маърифатпарварлар томонидан ташкил этилган “Усули  
маърифат” мактаби кўнгина болалар қатори Машрикни ҳам ўз  
кучюлига олди. Ешлигидан адабиётга ҳавасманд бўлган  
Машрик халқ оғзаки ижоди намуналаридан парчаларни ёд билар,  
шеър ёзишни машқ қилар, иқтидори ва қобилияти билан ўз  
теъдиларидан ажралиб туради.

1918-йилда адбий хизматлари билан танилган Фитратнинг  
Тошкентга ташрифи ўқитувчилик касбини танлаган Машрик  
ҳаётида қатта ўзгаришлар ясади. Халқни саводсизликдан  
қутқариб, маърифатга етиштириш учун харф ва имлони ислох  
қилиш, ўзбек тилининг қатъий қонун-қоидаларини ишлаб  
чиқиш, ўзбек адабий тилини ривожлантириш каби олий  
мақсадларни амалга ошириш ниятида Фитрат томонидан ташкил  
этилган “Чигагой гурунги” тўғарагида Машрик ўзининг илмий  
фаолиятини бошлаб юборди.

Машрик дастлаб матбуотда босилган шеър ва мақолаларини  
“Чигагой гурунги” тахаллуси билан эълон қилган бўлса, 1919  
йил “Ўкеуз” номли шеърдан бошлаб (Иштирокюн, октябрь)  
ўстази Фитрат танлаб берган Элбек тахаллусини қўллай  
бошлади. Бизга маълумки, ўтмиш аждодларимизнинг кўпчилиги  
араб ва форс сўзларидан тахаллус танлашган. Тил софлиги учун  
қурашган “Чигагой гурунги” аъзолари эса бу анъанадан воз  
кечиб, соф туркий сўзлардан тахаллус танлай бошладилар.  
Масалан, юксак билим ва иқтидорга эга бўлган Фитрат гуруҳ  
аъзоларига Боту, Ўктам, Элхон, Элчи, Чигагой, Ўгуз, Ўктой,  
Элгузар, Жигой, Йилдирим каби жасурлик, қаҳрамонлик бобида  
доғд таратган аждодларимиз номлари асосида тахаллус танлаб  
берган.